

ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ: 7-умумий ўрта таълим мактабининг ромлари замонавийларига алмаштирилмоқда

"Ташаббусли бюджет" лойиҳаси доирасида Марғилон шаҳридаги "Машад" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 7-умумий ўрта мактабнинг ромларини замонавийларига алмаштириш таклифи "Очиқ бюджет" порталига жойлаштирилган эди.

Мазкур таклиф мактабнинг педагог жамоаси, маҳалла аҳли ва таълим фидойилари томонидан қўллаб-қувватланди. Ғолиб бўлган лойиҳа учун 1 млрд 70 миллион сўм маблағ ажратилди.

Икки навбатда 1732 нафар ўқувчилар таълим олаётган мактаб биноларидаги ромлар яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги боис, куз-қиши мавсумида хоналарни иситишда қийинчиликлар юзага келар эди. Ҳар қандай об-ҳаво шароитига мослаштирилган ушбу замонавий ромларнинг ўрнатилиши эса шу каби муаммоларнинг бартараф этилишига хизмат қиласди.

2023-08-04 14:18:03